

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажиги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 25 декабрь, № 266 (3541)

Шанба

26 декабрь

Сайловлар — халқимизнинг сиёсий онги, маданияти ва маънавий фазилятларининг ўзига хос намоёниши

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши ҳуқуқига эгадирлар.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасидан.)



Олтинқул туманидаги 126-сайлов участкаси 2585 нафар сайловчини бирлаштирган. Шунинг 65 нафари илк марта овоз бераётган ёшлардир. Мазкур участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг, айниқса, биринчи бор иштирок этаётган ёшларнинг сайловга оид тушунарларини ошириш учун турли тадбирлар уюштирди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизгин баҳс-мунозаралар остида кечди. Бугун, бемалол айтиш мумкинки, мазкур участка сайлов кунига шай.

СУРАТДА: 126-участка сайлов комиссиясида. Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

Юрт тақдирига дахлдорлик

Тахририятдаги факсдан келатган турфа хил хат ва дил изҳорларини ўқиб, бугунги кунда Ўзбекистондаги ҳар бир одам сайлов руҳи билан яшаётганлигига амин бўлдик. Негаки, талабалардан тортиб кекса отахону онахонларгача бу сиёсий тадбирга бефарқ эмас. Улар сайлов жараёнига бештиборликни Ватан тараққиётига, эртанги ёруғ кунларимизга бефарқлик деб биладилар.

Жумладан, Ширин энергетика ва маиший хизмат касбхона коллежи директори Карим Султонов шундай ёздади: «Мен одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг сайловга нисбатан бунчалик қизгин муносабатини шу ёшга кириб ҳали кўрмаганман. Хатто дарсларда ҳам ёшларнинг савол-жавоблари сайлов

қонунчилигига, партияларнинг сайловолди дастурлари муҳокамасига бориб тақалади. Ёшларнинг бундай фаоллигини кўриб, Ўзбекистоннинг келажиги порлоқлигига қаттиқ ишонман».

Таклиф, истақ, мулоҳазалардан иборат мактубларини бир-бир ўқир эканман, одамларимизда эл-юрт тақдир-

га дахлдорлик ҳисси шаклланиб, ривож топиб бораётганидан фахрланаман. Бу фахрлини туйғуси ёш сайловчиларнинг мана бундай фикрлари билан уйғунлашиб кетади. «Мен боболаримдан кўп эшитганман, оилада ўнла сайловчи бўлса ҳам авваллари улар учун бир киши овоз бераверар экан. Мен бу йил

биринчи бор овоз бераман, — деб ёздади Гулистон туманидаги Яккатут қишлоғидан Мунира Холматова. — Лекин мен сайлов участкасига ўзим бораман, кимга ва қайси партия манфаатлари учун овоз беришимни танҳо ўзим ҳал қиламан. Бу менга маънавий ва руҳий мадад бағишлайди».

Шунингдек, сайлов участкаларидаги тайёргарлик, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ҳақида ҳам мунтазам хабарлар келиб турибди. Бу мактубларнинг ҳар бири билан танишиб, юртдошларимнинг эл тақдирини, Ватан келажиги учун бефарқ эмаслигини қувонаман ҳамда қўллаб-қувватлаш учун уларнинг ҳузурига шошиламан.

Зиёда АШУРОВА.

Виктория ПАНФИЛОВА: «Журналистни аниқ маълумотларгина ҳимоя қила олади»

Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти «Парламент журналистикаси» клуби аъзолари учун Россияда нашр этиладиган «Независимая газета» мухбири Викториа Панфилова билан учрашуво уюштирди. Мамлакатимизда 26 декабрда бўладиган сайловда кузатувчи сифатида қатнашиш учун келган В. Панфилова давра суҳбати аввалида минтақамиз ҳаётига оид мақолаларни тайёрлашини айтганда, журналист аниқ маълумотларгагина таяниши лозимлиги, бу биринчи навбатда унинг ўзи учун катта ҳимоя воситаси бўлишини таъкидлади. Шунингдек, у мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган икки палатали парламент сайлови ҳақида ҳам гапириб, ушбу сиёсий тадбирда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларни мамнунга билан эътироф этди. Бу хотин-қизларнинг жамиятдаги, айниқса, қонунчилик ишларидаги иштирокини кенгайтиришини таъкидлади.

— Уларнинг камида ярми голиб чиққан тақдирда ҳам аёлларнинг сиёсий фаоллашуви орта боради, — деди халқро кузатувчи.

«НГ» мухбири ҳамкасбларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб қайтариб, бўлажак сайловда мамлакатимиз фуқароларининг фаол иштирок этишига ва сиёсий тадбир тинч-осойишта ўтишига умид билдирди.

Ўз мухбиримиз.

«Сиёсий партиялар: сайловдан кейин»

Бугун сайловларда ўз номзодларини дадил тарғиб қилаётган сиёсий партияларнинг вакиллари 26 декабрдан кейин ҳам фаолиятини шу даражада жўшқинлик билан давом эттирадиларми, сайловолди дастурларини амалга ошириш учун имкониятлари етарлими? Наманган Медиа марказида шу мавзуда ташкил этилган давра суҳбатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг вилоят ташкилотли этикчилари, журналистлар таклиф этилди.

Тадбир қизгин баҳслар остида ўтди. Партия етакчиларининг аксарияти сайловларда эришилган натижадан қатъий назар айни кунда олган сураётган дастурлари кундалиқ фаолиятнинг асосий вазифаси бўлиб қилишини таъкидладилар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистондаги сайловлар Миср оммавий ахборот воситалари нигоҳида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар мавзуси Миср оммавий ахборот воситалари диққат марказига чиқди.

«Ас-Синей» газетасида чоп этилган «Ўзбекистондаги сайловларда халқро кузатувчилар иштирок этади» сарлавҳали мақолада парламент сайловларига тайёргарлик жараёни ниҳоятда юқори даражада ўтказилгани ҳақида хабар қилинади. Муаллиф сайловлар арафасида қатор халқро анжуманлар ўтказилгани, уларда хорижий давлатлардан юзлаб экспертлар ва мухтаassisлар иштирок этганини эътироф этади. У, шунингдек, газета ўқувчилари эътиборини мазкур сайловларда турли нуфузли халқро ташкилотлар, институтлар, хорижий давлатлардан кузатувчи-

сифатида иштирок этаётгани эса халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат белгиси сифатида эътироф этилган.

«Nile TV» ахборот каналида эфирга узатилган 45 дақиқалик махсус давра суҳбати «Ўзбекистондаги сайловлар: демократия уфқлари» деб номланди.

Унда иштирок этган Миср ташкилотчи кенгаши аъзоси Аҳмад Валий Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштириш ва демократик меъёрларни татбиқ этишдаги саяё-харақатлар халқро стандартларга мос равишда босқичма-босқич амалга оширилаётганини айтиб ўтди.

Ўзбекистонда БМТнинг «Демократия ва маъмурий бошқарув» дастури раҳбари бўлиб фаолият

кўрсатган Нур Фараҳат мазкур кўрсатувда сўзга чиқиб, Ўзбек жамиятидаги ислохотлар жараёни янада кенг қўлам касб этаётгани ҳамда ушбу ўзгаришларнинг тақдирини нафақат мамлакат раҳбарияти, балки фуқаролар ва партияларнинг сиёсий етуқлиги билан ҳам чамбарчас боғланиб кетганини қайд этди.

Кўрсатувнинг яна бир иштирокчиси — «Ас-Синей» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Саломо эса мустабиллик мафкура-си ва эскича ширлардан холи бўлган Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислохотларнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқилгани ва ҳозир унинг самарасини бераётганини эътироф этди.

Маҳмуд БОВОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА.

ДИҚҚАТ: республика ижодий танлови!

«ВАТАН ҒУРУРИ»

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 7 декабрда Оқсарой қароргоҳида Ватаннинг юксак мукофотларини, шу жумладан, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга Амир Темури орденини таъинлар экан, унинг оддий бир ўзбек оиласидан эканлигини, Тошкентнинг эски даҳларидан бирида туғилганлигини, бир қарашда кўнчиликлдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар йиғилишини, айни пайтда худди шу йиғит бутун дунёни ҳайратга солганлигини, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистон шухратини юксак даражага кўтарганлигини фахр-ифтихор билан таъкидладилар.

Халқимиз орасида Рустам Қосимжоновдай Истиқлол уйғотган, қалбида Ватан шайини баланд тутган, элим-юртнинг дейдиган, фидойи, олижаноб ниётмақсадли одамлар оз эмас. Уларни ҳаётнинг барча соҳаларида учратимиз мумкин. Бундай фуқароларнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳри, миллий гурури ва орияти — Ўзбекистоннинг бебаҳо қуч-қудрати манбаидир. Шундай заҳматқаш инсонлар бор экан, Ватани-

миз шаъни юксалаверади, ҳаётимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.

Истагимиз шуки, бундай ажойиб инсонларни, уларнинг қалбидаги Ватан ғурурини, бу ғурур қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳамма билсин, шундай юксак ғурурли юртдошларимиздан бошқалар ҳам ғурурлансин!

Шуни эътиборга оlib,

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти «Ватан ғурури» республика ижодий танловини эълон қилмоқда.

Танлов 2005 йилнинг август ойида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида якунланади.

Ижодий танлов майдони кенг ва ҳаммага очик. Фақат талаб битта: бевосита ҳаётга мурожаат қилайлик, чин маънода она юрт, она халқидан ғурурланиш туйғуси қалбининг қуёшига айланган юртдошларимиз ҳақида элга сўзлайлик.

Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқинили очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар газеталарда эълон қилиниб, йил охирида алоҳида китоб шаклида чоп этилади.

Танлов мукофотлари:


Битта биринчи мукофот — 500 000 сўм.
Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 000 сўмдан.
Учта учинчи мукофот — ҳар бири 100 000 сўмдан.
Рағбатлантирувчи совғалар — 10 та.

«Ватан ғурури» республика ижодий танловига марҳамат!
Омад сизга ёр бўлсин!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти.

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар



«Халқ қарори қатъий»

Мухаммад ЖАЪФАР СИДДИК (Индонезия):

— Аввало, сайлов боис Ўзбекистонга келганидан бехад хурсандлигимни айтмоқчиман. Тўғри, бундан олдин ҳам юртингизда бўлганман. Лекин бугун кейинги йилларда мамлакатингизда катта ўзгаришлар рўй берганининг шохиди бўлиб турибман. Биласиз, Индонезия мустақил ҳаётда Ўзбекистонга нисбатан маълум даражада тажрибага эга, лекин хабарингиз бўлса, мамлакатингизда бундан икки ой бурун илк бор икки палатали парламент сайлови бўлиб ўтди. Айтмоқчиманки, мамлакатингизда икки палатали парламент тизимини танлаб ниҳоятда тўғри қарорга келинган. Негаки, бу халқаро майдонда синалган шакл. Халқингизнинг сайловларга ишончи катта экан, номзодлар сайловчиларни ўйлантираётган масалалар билан чиқарилган, демократик, сайловнинг жамият ривожига таъсири бекиёс. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз ҳаётига оид янги китоб ёзганимни ҳам айтмоқчиман. Яқин кунларда нашр этилиши кўтилган ушбу асар келгусида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янада чуқурлашуви ҳамда халқларимизнинг бундан да, яқинроқ биродарлашуви ҳамда килса, муродимга етган бўлур эдим.

«Ўзгаришлар тараққийётган нишона»

Владимир ЗАХАРОВ (Шанхай ҳамкорлик ташкилоти котибиятининг бош котиби ўринбосари):

— Кузатишларимдан келиб чиқиб айтсам, мамлакатингизда кейинги йилларда катта демократик ўзгаришлар рўй бермоқда. Сайловга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Бундан уч йил аввал умум-халқ сўровида халқингиз икки палатали парламент тизimini ёқлаб жуда оқилона қарорга келган, деб ўйлайман. Модомики, жамият демократик йўлни танлаган экан, бунда профессионал парламент мўҳим ўрин тутаетди. Айтилган, қонун лойиҳаси аввал кўзи, сўнгра сўнатда кўзиги мўҳокама қилинган, ҳаётга жорий этилади. Сўзсиз, бундай жараёнларда, қонун тақомилига етди. Парламент сайловлари олдиндан эса халқингизга сўйсини кучгайрат тилаб қоламиз.

«Халқ сўзи» мухбири Худойберди ЭШМАНОВ эътиборини билдирди.

«Муносиблар учун овоз бералмиз»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 65-Термиз сайлов округида 78 та сайлов участкаси мавжуд. Уларда 109 миң 247 сайловчи овоз бериши кўтилаетди. Ҳозир сайлов участкаларида сайловчи ва кузатувчилар учун барча шароит яратилган.

Жумладан, 236-сайлов участкасида 2125 сайловчи овоз бериши кўзда тутилган, шулардан 190 нафари сайловда илк бор қатнашади. Шу сабабли бу ерда сайлов участкасининг 11 нафар аъзоси худуддаги сайловчиларга, айниқса, ёшларга тинимсиз тушуштириш ишларини олиб бормоқда.

СУРАТДА: 236-сайлов участкасида ёш сайловчилар билан суҳбатлашаётган пайт.

И. ХҲЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Жузеппина Лаура МАДЖИ:

«МАМЛАКАТИНГИЗГА МАФТУНМАН»

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига Италиядан келган кузатувчилар билан учрашув Дўстона ва самимий руҳда ўтди. Рим халқаро маданият «Лимучи» гуманитар университети профессори Жузеппина Лаура Маджи хоним ЎЗА мухбири билан суҳбатда ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистоннинг икки палатали парламентга ўтиши жамиятнинг демократлаштириш йўлидаги катта қадамдир. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ўттизи фозидан ортиги хотин-қизлар эканлиги — ҳам аёлларнинг, ҳам жамиятнинг катта ютуғи. Ўзбекистон хотин-қизлари жуда меҳнатқаш, улар ораси-

да фан, маданият, иқтисод соҳасида фаол иш юритаётган юксак малакали вакиллар кўп. Улар мамлакатнинг янада гуллаб-яшнашига салмоқли хисса қўшмоқда.

Ўзбекистонга илгари ҳам келганман. Аммо бу галги таширишим чоғида мен мамлакатингизга янада мафтун, махлуё бўлиб қолдим. У ажайиб, меҳрибон, са-

ховатли инсонлар ватанидир. Буюк Амир Темурнинг воришлари бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Айниқса, менга аёлларингизнинг гўзаллиги, ойдек чеҳралари жуда ёқди. Ўзбекистон халқининг маънавий ва тарихий мероси, меъморчилигига қизиқишим катта.

Келгусида Тошкент давлат техника университети, Бухоро давлат университети каби олий ўқув юртингиз билан, аввало, гуманитар йўналишда ҳамкорлик қилиш ниятидаман.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Сўз — халқаро кузатувчиларга

Натижа энди кўринад

Далбир СИНГХ, Хиндистон Миллий конгресси бошқарув партияси Марказий кўмитаси котиби:

— Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислотлар, чиндан ҳам таҳсинга сазовор. Мамлакатдаги ўзгаришлар, икки палатали парламент тизимига ўтилиши шу юртда фуқаролик жамияти бошқарувининг шаклланаётганидан далолат беради. Бу ҳақда кўп хорижий мутахассислар мўнанд олдин ҳам ўз фикрларини билдиришган. Ўзим ҳам Тошкентга келиб, мамлакатдаги ўзгаришлардан ҳайратда қолдим. Хиндистоннинг мустақилликка эришганига 55 йил ўтди. Шу давр ичида демократик институтларни шакллантиришга, фуқаролик жамиятига ўтишга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан барча соҳаларга катта эътибор қаратилганлигига бугун аминимиз.

Ҳозир мамлакатингизда бўлаётган тарихий воқеа, ҳақиқатан ҳам, кучли демократик фуқаролик жамиятига ўтишда асосий пойдевордир. Айниқса, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга фуқароларнинг ўз муносабатларини ҳамжиҳатлик билан билдириши демократиянинг бир кўриниши ҳисобланади.

Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган Европа ҳамжамиятининг йиғилишида жамиятдаги ўзгаришлар, демократик таъминларнинг давлат сиёсатидаги ўрни тўғрисида маъруза ўқиганман. Кўпгина давлатларнинг демократик ислотлари

билан яқиндан танишман. Тўғриси айтсам, Тошкентга биринчи келишим. Лекин Ўзбекистон ҳақида жуда кўп эшитганман, ўқиганман. Бу юрт билан танишиб, одамлари билан суҳбатлашимда ўз фикр доирамни кенгайтиришимга имконият бўлди. Гўзал пойтахтдан ташқари Самарқандга бормоқчиман.

Бўлажак сайловнинг дунё ҳамжамияти томонидан эътибор билан кузатилаётгани сайлов кузатувчиси сифатида диққатимни тортган рости. Оз фурсат қолганига қарамай, Европа ва бошқа давлатлардан кузатувчиларнинг оммавий, ташкилий равишда қатнашаётгани ўтказилаётган демократик сайловларга жохон ҳамжамиятининг қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир. Менинг истегим, шунча қилинган са-

марали меҳнатнинг охири натижасини кўриш. 26 декабрда ўтказилаётган сайловда фуқароларнинг фаол иштироки қилинган ана шу самарали меҳнатнинг натижасини кўрсатади. Яна бир томондан мониторинг ўтказиш мақсадида келган ташқи кузатувчиларнинг меҳнати ҳам шу кун кўринад. Бир сўз билан айтганда, бошқа мамлакатнинг вакили сифатида келган ташқи кузатувчилар ҳаққонийликни таъминлаб бериши керак. Ана шу ҳаққонийлик фуқаролик жамиятига ўтишда кейинги беш йил давомида ўтказилаётган сайловларга замин яратади.

Ўзбекистон халқига меннинг тилдакларим мўл. Сайлаётган номзодлари чинакам халқ вакили сифатида шу халқнинг келажаги, уларнинг фаровон турмуши учун жамиятга мос қонунлари қабул қилинсин. Ўзбек халқига соғлиқ, тинчлик тилайман. Қолаверса, кириб келаётган Янги йил уларга бахт ва омад келтирсин.

Зиёда АШУРОВА эътиборини билдирди.

Нерри Эфраим ЮШВАЕВ-КАВАЛИЕР:

«ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА»

Икки палатали парламентга сайловлар миллий парламентаризмин ривожлантиришда мўҳим ўрин тутаетди. Ўзбекистондаги бўлғуси сайловларда кўплаб халқаро кузатувчилар иштирок этаетди. Уларнинг аксарияти бу йўналишда фаол иш олиб бормоқда.

Марказий осийлик Бухоро яҳудийлари уюшмаси (АҚШ) раиси Нерри Эфраим Юшваев-Кавалиер Ўзбекистон сайлов тизими ва умуман мамлакатининг ҳақида шундай деди:


— Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шакллантирилиши мамлакатда ичкилик билан амалга оширилаётган демократик ислотлар йўлидаги мўҳим қадамдир. Янги сайланадиган парламент қонунчиликни жамият ҳаётига имкон қадар яқинлаштириш, уни демократлаштиришга ёрдам беради.

Парламентнинг кўйи палатасига бир ўз йиғирмата мақдд учун беш ортик номзод кураш олиб бормоқда. Умуман, давлоғарларнинг сони кўп бўлгани учун кураш қизгин кечаетди. Табиийки, уларнинг энг муносиб галиб қилиши.

Сайловчилар мамлакатининг парламентда уларнинг муаммоларини самаралироқ ҳал қиладиган депутатликка номзодларнинг дастурларини танлаш имконига эга. Икки палатали парламентнинг мўҳияти ҳам шунда. Аввалги палатадан унинг фарқи, янгилиги профессионал депутатлар ишлашида ҳам намоён бўлади.

Мен мамлакатингизда ўтган аввалги сайлов кампаниясида ҳам қатнашган эдим. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон халқи улкан ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишларини амалга оширганлигини кўриб қувондим. Бундай ўзгаришлар аввало иқтисодий соҳасида кўзга ташланади. Ўзбек сўмининг қади тобора ошмоқда. Бу эса хорижий сармоядорларни мамлакатининг иқтисодийётига янада кўпроқ жалб этишда мўҳим омил бўлади.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.



етказиш мақсадида Интернетда очилган веб-сайти (www.elections.uz) мухлислари сони тобора ошмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни очик ва ошқорга ўтишини таъминлаш, бу борадаги янгиликларни кенг жамоатчиликка теъорик билан

ВЕБ-САЙТ: СЎНГИ ЯНГИЛИКЛАР

Материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилаётган ушбу веб-сайтта ҳозиргача юздан ортиқ мамлакатдан кўрқ миңга яқин киши кирди.

Марказий сайлов комиссияси мутахассислари компьютер дизайн соҳасидаги энг сўнги ютуқлар асосида тайёрланган мазкур сайтнинг янгиликлар рўйи остида эълон қилинаётган маълумотлар базасини мунтазам бойитиб бормоқда.

Электрон саҳифаларда сайловга оид барча қонунлар, Марказий сайлов комиссияси қарорлари, сай-

лов кампаниясида иштирок этаётган партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган сайловга доир хабар ва мақолалар бериб борилаётди.

Шуни айтиш жоизки, 26 декабрь — сайлов кунини Марказий сайлов комиссиясининг ягона компьютер тармоғи орқали олиндиған теъорик маълумотлар ҳам мазкур сайт мунтазам жойлаштириб борилади.

Лазиз РАҲМАТОВ, ЎЗА мухбири.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодийётни таркибий қайта ўзгариштиришда маҳаллий хомашдан бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш мўҳим аҳамият касб этаетди. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини оширишга қаратилган божхона преференциялари ва солиқ имтиёзларининг самарали тизимини яратиш, маҳаллийлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган қорхоналар раҳбарлари ва мўҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш ҳам бу борадаги таъсирчан механизмлардан бири ҳисобланади.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 январдаги «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомаш неғизиде таъйёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 18-сонли қарориде мамлакатимизда рақобатбардор маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириши янада рағбатлантириш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириши чуқурлаштириш ҳисобига товарлар импортини мақбуллаштириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорнинг 5-бандига кўра, Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган қорхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб четдан олиб кели-

наётган технологиялар ва уларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек, республикада ишлаб чиқарилаётган ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари), маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига маҳсулотлар бўйича даромад-фик ишлаб чиқаришга мувофиқ солиғи, ягона солиқ (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўлаётган субъектлар учун) ҳамда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод этилди. Савол туғилади: хўш,

ҳукуматимиз томонидан яратилган ана шу имконият ва имтиёз ўтган тўққиз ойи давомида қай даражада наф берди. Маҳсулот сифати ва турини кўпайтиришда ўсишга эришилдими?

Давлат солиқ кўмитаси бўлим бошлиғи Ш. Абдуллаев бу ҳақда шундай дейди:

— Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, мамлакатимиздаги 140 та қорхона 187 та лойиҳа бўйича 165 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариши ўзлаштири-

Ислот ва самара

ши кўзда тутилган. Шунингдек, тасдиқланган дастурлар асосида жорий йилда 143 та лойиҳанинг ишлаши режалаштирилган. Қувонарлиси шундаки, ҳозирга келиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга яратилган имконият ва имтиёзлар ўз самарасини бераётти. Бунини қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2004 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 350,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу эса прогнолга нисбатан 112,3 фойз зиёддир. Шунингдек, 154,4 миллион

АҚШ доллари миқдориде маҳсулот экспорт қилинди. 2584 та янги иш ўрни яратилди.

Мисол учун, оловга чидамли буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Огнеупор» ОАЖ имтиёзга мувофиқ ўтган тўққиз ойи давомида 61,5 миллион сўм миқдориде ягона солиқ тўлашдан озод этилди. Бу маблаг эса ишлаб чиқаришда янги автоматлаштирилган линиялар ўрнатишга йўналтирилди. Натижада қорхона қуввати 20 фойз кўтарилди.

Ходимлар иш ҳақи эса турдош қорхоналардагига нисбатан 30 фойз ошди. Бундан ташқари, «Андижон мезхника заводи» ОАЖда нефть маҳсулотлари ташини учун темир йўл цистерналари, «Осий компрессор филтър» МНЖда филтър элементлари, «Реле ва автоматика» ОАЖда «ТТЗ» тракторлари тизими учун тасмалар ва «Намангантекстил» ОАЖда эса кўйлак учун матолар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни чоғда «Сино» ОАЖ қондиционер ва музлатгич, «Roison electronics» кўшма қорхонаси маиший техника жиҳозлари ишлаб чиқараётгани учун белгиланган имтиёздан фойдаланаяпти.


Вазиридан Маҳаммасининг

2004 йил 21 апрелдаги 190-сонли қарорига кўра, маҳаллий хомаш неғизиде таъйёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурлари бўйича амалга ошираётган қорхоналарнинг рағбатлари, мўҳандис-техник ходимлари ҳам рағбатлантирилмоқда. Бунда рағбатлантириш тўловлари дастурини маҳаллийлаштириш даражаси, ишга туширилаётган қувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича қорхона учун белгиланган параметрлар ба-жарилган тақдирда бир марта тўланадиган мукофотлар тарзида амалга оширилмоқда. Уни тўлашга йўналтирилаётган маблаглар (шу жумладан, ҳисобланган ягона иқтисодий тўлов) солиқлар ва божхона тўловларидан озод этилиши натижасида бўшадиган маблаглар миқдорининг 15 фойзигача бўлиб, даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

Шуниси эътиборлики, ушбу жараёнда қорхонада хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишдаги шахсий ҳиссаси ва меҳнатдаги иштироки ҳам ҳисобга олинаётти. Бу эса уларни янада умумлироқ ишлашга даъват этамоқда.

Сондодим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газетада босимади, аммо...



Моддий зарар ундирилди

«Аваллари паспорт бериш, уни расмийлаштириш идорасида камчиликлар, нуқсонлар, одамларни сарсонсаргардон, обора қилишлар кўп бўлади, дейишса, асло ишонмасдим. Янгилишган эканман. Яқинда бунга ўзим гувоҳ бўлдим», деб ёзади Бухоро шаҳар Пойиштона кўчаси, 15-уйда истиқомат қилувчи Н.Рибкина тахририятга йўллаган шикоят хатида.

Мазкур хат текшириш учун Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасига юборилган эди. Бошқарма бошлиғи, полковник Т.САТТАРОВ имзоси билан тахририятга келган расмий жавобда таъкидланганча,

текширувлар давомида, ҳақиқатан ҳам, фуқаро Н.Рибкинанинг кўеви А.Макаров номига Бухоро шаҳар ИИБ солиқ 8-сон миллия бўлинмаси паспорт столи томонидан 1995 йил 23 декабрда СР 0146972 рақами билан паспорт расмийлаштириб берилган. 2008 йил 13 апрелгача амал қилган мuddатига эга бўлган фуқаролик паспортида паспорт берилган санаси ўзгаририлиб, қайта ўзгаририлиб ҳолати тасдиғини тоган.

Фуқаро А.Макаровга етказилган моддий зарар ундирилди, бунга Шунингдек, унга 2004 йил 30 октябрь кунини СР 1211867 рақамли фуқаролик паспорти расмийлаштирилган.



Ойбек боғларига баҳор келади

(Давоми. Боши 1-бетда).

У ёшлигига қарамай, шеърятни тушунишдаги бирёқламалликларга қарши чиқди, сира тап тортмай Чўлпонни ҳимоялади. Кейин яна Абдулла Қодирий ижоди тўғрисида рисола яратиб, 30-йиллардаёқ унинг буюк адиб эканини кўрсатиб бера олди.

Ойбек таваллуд топган ва айниқса, балогатга етган дунё ғайриманتيкий, ғайримансоний эди. У ҳам бу дунё тўғрисида яна бир бошқа буюк ўзбек шоири Хамид Олимжон ёзганидек:

**Мен бир қаро кунда тугилдим,
Тугилдим шу он бўғилдим,
Мен тугилиб кўз очган дунё,
Бузғун эди, ҳароб, бенаво**

— деб айтишга тўла ҳақли эди. Эсини таниши биланоқ Октябр инқилобининг гувоҳи бўлди. 12-13 ёшларидан фуқаролар урушининг оловлари орасидан ўтишга, ҳарбий коммунизм даврининг очликлари ва бошқа даҳшатларини бошдан кечиришга мажбур бўлди. Қишлоқни коллективлаштириш сиёсати туфайли унинг кўз ўнгида миллионлаб ватандошлари «қулоқ», «эксплуататор» деган тамгалар билан хар томонга сургун қилинди, хонадонлари барбод бўлди. Кейин 30-йиллардаги даҳшатли очлик, кўча-кўйларда кўмилмай ётган жасадлар. Кейин «буюк қирғинбарот» йиллари... Мислсиз қатағон... Кўзини юмиб, оғзини очмай яшашига мажбур бўлган йиллар... Бир одам учун бу мудҳиш ҳодисалар кўплик қилмайдими? Бу зулмлар, шафқатсиз қирғинлар, адосиз чеклашлар ва таъқиблар одамларнинг инсоний гурурини, нафис ва назок ички дунёсини, руҳий оламини барбод қилмайдими? Ана шундай шароитда Инсон ўзининг ижодкорлик салоҳиятини сақлаб қола олган экан, демек, ундаги ички эъти-

Белорусь Республикаси стратегик ҳамкорликдан воз кечмоқчи

«Белоруснинг миллий хавфсизлиги мамлакатнинг фақатгина «Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти»(КХШТ)даги иштирокига асосланиб қолиши мумкин эмас». Беларусь ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Сичёв Россия ва Беларусь Иттифоқи Вазирлар Кенгашида шундай баёнот берди. Айнан шу йилгилишда иттифоқчиларнинг ҳарбий-техник дастурлари ва молия-бюджет масалаларини муҳокама қилиши режалаштирилган эди. Шу боис вазири ўринбосарининг бу баёноти кўчиликни ҳайрон қолдирди.

Шунга ўхшаш баёнот дастлаб Сичёв томонидан Беларусь парламентида «Белорусь ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун муҳокама қилинаётганда айтилган эди. У КХШТга иштирокчи давлатлар (Арманистон, Беларусь, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Козовистон) кўп ҳолларда «узро консенсусга кела олмаётганлиги» сабабли шубҳа билан қарамоқда. «Ташкилотнинг Марказий Осиёдаги аъзолари манфаатлари аксарият ҳолларда Россия ва Беларусь манфаатлари-

дан фарқ қилмоқда», деди у. Кейинроқ Сичёв республиканинг тутган ўрни Россия манфаатларидан ҳам биров фарқ қилишини маълум қилган. У юқорида тилга олинган қонун лойиҳаси муҳокамасида бир қанча депутатларнинг «Россия Беларусининг стратегик ҳамкорири» деган жумлани қиритиш ҳақидаги таклифи ҳам қўшилмади.

Сўнги пайларда расмий Минск ва Москва ўртасида

сус юк машиналари етказиб бериши борасида ҳам жиддий низо келиб чиққанди.

Россиялик сиёсатшунослар Беларусь учун Россия ҳарбий соҳага қараганда, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамият касб этишини билдирмоқда. Бунда улар Александр Лукашенко сиёсатининг Москва томонида қўллаб-қувватлангани, Россия рублиннинг муомаласига киритилиши, газ етказиб бериш каби масалаларини

Ғарбий яримшарнинг энг қадимий шаҳри

Америкалик олимлар Перу давлати ҳудудидан Ғарбий яримшардаги энг қадимги шаҳар маданиятини топишга муваффақ бўлди. Шаҳар миллодгача 3 минг йил олдин, яъни майялар қабиласидан ҳам илгари мавжуд бўлган. Илмий экспедиция раҳбари Жонатан Хаас ўзининг Nature журналида эълон қилган мақоласида айтишича, бу жойда яшаган одамларнинг иктымий алоқалари анча мураккаб бўлган, мулк ва мажбурий меҳнат муносабатлари шаклланган.

Фишер Исландияга кетмоқчи

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишер Япония ҳукуматида Исландияга кетишга рухсат беришини сўраб мурожаат қилди. Утган ҳафта расмий Рейкьявик унга сиёсий бошпана таклиф қилган эди.

Фишер бир неча ой муқаддам Япониянинг муҳожирилик органи томонидан АҚШ талабига мувофиқ қўлга олинган эди. Қўшма Штатлар уни Югославияга нисбатан қўлланилган жазо чораларига амал қилмасликда айбламоқда. Бу можаролар таниқли шахматчи 1992 йилда Югославияда Борис Спасский билан матч ўтказгандан сўнг бошланган эди.

Жиноятчи таслим бўлди

Австралиянинг курорт шаҳри Лабрадордаги меҳмонхона номерларидан бирини гаровга олган шахс 16 соат полицияга қарши турғач, таслим бўлди. У Grand Hotelдаги хонасида бир неча шахсни гаровга олганлигини ва портловчи модда билан қуролланганини маълум қилган эди. Полициядан олинган маълумотларга қараганда, 43 йили жиноятчининг хонасида гаровга олинган шахслар бўлмаган, бироқ тинтув пайтида ундан портловчи моддалар топилган.

Кучли zilzila

Кеча Австралия жанубидаги Тасмания штатида эпицентри Австралия ва Антарктида ўртасидаги Ҳинд океани остида бўлган кучли zilzila сезилган. Сейсмологларнинг маълумотига қараганда, улар қайд қилган ер ости силкинишлари Рихтер шкаласи бўйича 8,1 баллга етган ва бу кейинги уч ярим йил ичда дунёда юз берган энг кучли zilzиладир. Бироқ унинг маркази океан тубида бўлганлиги учун қуруқликда ҳеч бир инсон ва биноларга шикаст етмаган.

Доллар курси яна ҳам паслади

АҚШда ўтказилган байрамолди валюта савдоларида долларнинг нархи 1 еврога нисбатан 1,35 долларга тушди. Бундай кўрсаткич шу пайтгача кузатилмаган эди. Бунга қадар долларнинг энг паст нархи 7 декабрь кунини қайд этилган ва курс еврога нисбатан 1,34 деб белгиланган эди. Ассошиэтед Пресснинг валюта бозори мутахассислари мулоҳазаларига асосланиб маълум қилишича, доллар курсининг пасайиши яқин орада сақланиб қолади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

Европа Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жиддий ёмонлашиб кетиш эҳтимоли юзага келди.

Хитойга қарши эмбарго

Financial Timesнинг Пентагондаги номи маълум қилинмаган шахсга таяниб ёзишича, агар ЕИ бундан 15 йил муқаддам Хитойга қурол савдосини тақиқлаш учун белгиланган эмбаргони бекор қилса, АҚШ билан муносабатларга совуқлик тушиши мумкин.

Газета маълумотларига қараганда, бунинг оқибатида АҚШ Европанинг мудофаа мажмуасидан ўз ҳарбий технологияларини олиб чиқиб кетиши мумкин. Пентагон вакили газетача «Бу Штатлар ва Европа ўртасида жуда катта жанжалга сабаб бўлиши мумкин», деган гапларни айтган. Сал аввалроқ ЕИ вакиллари Хитойга нисбатан ҳарбий эмбарго масаласи қайта кўриб чиқишини мумкин, деб баёнот беришганди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

бир неча бор ўзаро келишмовчиликлар юзага чиқди. Масалан, Александр Лукашенко Россиянинг айрим ҳарбий мақсадларини амалга оширишда, жумладан, Ракетага қарши мудофаа тизимини барпо этишда Беларусдан фойдаланаётганлиги учун муайян ҳақ тўлашни талаб қилган. Бундан ташқари, Беларуснинг Россияга стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета мажмуалари учун 7 ва 8 ўқли мах-

бўшатилди. Унинг ўрнига Фаҳимнинг ўринбосари, пуштун миллатига мансуб Раҳим Вардақ тайинланди. Бундан ташқари, Афғонистон ҳукумати таркибидан қатор юқори лавозимли кишилар истеъфога чиқди. Янги ҳукумат таркибидан аввал Хирот музофоти раҳбари бўлиб ишлаган Исмоил Хон энергетика вазири вазифасини бажарадиган бўлди. Афғонистон раҳбарлиги сайловларда Хамид Карзай рақиб бўлган Масъуд Жалол хотин-кизлар ишлари бўйича вазир лавозимини эгаллади. Шунингдек, молия, ички ишлар вазирилари ва кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш департаменти раҳбари ҳам алмаштирилди.

Ботиржон ҒОҒУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳукумат таркибида туб ўзгаришлар

Афғонистон ўтиш Ислоом давлати раҳбари Хамид Карзай мамлакат ҳукумати таркибига катта ўзгаришлар киритилганини маълум қилди. Хамид Карзай мамлакат раҳбарлигига бўлиб ўтган сайловолди жарафанда, агар у галаба қозонса, ҳукумат таркибига самарали меҳнат қиладиган, малакали ва ҳалол инсонларни жалб этишини билдирганди.

Утган даврда ҳарбийлашган гуруҳларга қўмондонлик қилган ва сўнгра ҳукумат таркибига кирган вазирлар ўз лавозимидан озод қилинди.

Бундай ўзгаришлар натижасида илгари Шимолий альянснинг етакчиларидан бири, ҳозиргача амалдаги мудофаа вазири бўлган Муҳаммад Фаҳим ҳам ишдан

Салим ДОНИЁРОВ.



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК
ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ**

ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини

Янги 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили»

билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда сиз, азизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилайди.
Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарқ этмасин.
Ўртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Байрам муносабати билан мижозларга

«МАРЖОН» - қисқа муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шarti билан, камида 50 000 сўм миқдорда Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва қўлайтиринг!

Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!



«АСАКА» БАНКИ

Осиё тараққиёт банки кредит линияси орқали кредит уюшмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида микромолиялаш учун кредит ажратмоқда!

КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

- хар битта қарз олувчи кредит уюшмага 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда миллий валютада кредит ажратилади;
- кредитлаш муддати 10 йилдан юқори бўлмаган муддатга имтиёзли давр фоизи бўйича — 3 йил, асосий қарздан — 5 йил;
- олинган кредит миллий валютада қайтарилади;
- кредит фоизи банклараро ўрта 6 ойлик депозит фоиз ставкаси миқдоридан белгиланади (UZIBOR).

Қўшимча маълумот олиш учун «Асака» банкнинг бош офисига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: 120-82-23, 120-82-60.



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тарих зарварақлари

Мустабид тузумнинг 30-50-йилларда олиб борган мудҳиш сиёсати, бошқа қардош халқлар қатори, қорақалпоқ халқи тарихида ҳам қонли излар қолдирди. Улка ҳаётининг турли соҳаларида хизмат қилган минглаб бегуноҳ кишиларнинг қатагон этилиши қорақалпоқ халқига қимматга тушди. Халқ ўзининг билимдон раҳбарлари, эрксевар фарзандлари, фидойи зиёлилари, миришкор деҳқонларидан жудо бўлди, зулм ва зуравонлик ҳукм сураверди.

ТАҚДИРЛАР ҚИССАСИ

Таниқли тарихчи олим, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Шарип Бобошевнинг «Қорақалпоғистон Республикаси тарихидаги сиёсий қурбонлар» (Нукус, 2003 йил) монографиясини ўқиганимизда, қардош халқ тарихининг ана шу қонли саҳифалари кўз олдимиздан бирма-бир ўтади.

Собиқ совет давлатининг мустамлакачилик ва қатагон сиёсати ўтган асрнинг 20-йиллари охирида Туркистоннинг чекка ўлкаларида ўзининг, захарли «мева»ларини берди. Жамолаштириш компанияси бошланиши билан халқнинг тинч маромида кекаётган турмуши тамомлашдан чикди. Кишлоқ аҳолисига қарашли унумдор ерларнинг 55 фоизи тортиб олинди. 1931 йил март ойида Тўртқўлдан ўртача 500, Чимбой туманидан анчагина хўжалик мол-мулки билан республикамизнинг бошқа туманлари, Қозоғистон ва Туркменистонда яшаётган қариндош-уруғлариникига кўчиб кетди. Ўзига тўқ кишилардан 146 нафарининг иши судга оширилди, улардан 96 тасига жазо чоралари қўлланилди. Бундай зуравонлик ва адолатсизлик билан мураса қила олмаган кишилар совет давлатининг гай-

ринсоний сиёсатига қарши бош кўтардилар. Салтанатнинг жазо идораси — ОГПУ 1929 йилнинг сентябрь ойидаёқ Чимбой туманида ғалабга тайёрланаётган 35, Шаббоз туманида 48 кишини қамоққа олди. Шулардан 32 киши ноябрь ойидаёқ отиб ташланди. Ана шу тарзда қатагон машинаси ишга тушиб кетди. 1933 йилнинг январийдаёқ 56 минг 645 киши жинойи жавобгарликка тортилди.

Шариф Бобошев қардош ва қондош халқ тарихининг бу даҳшатли саҳифаларини Нукус, Тошкент, Алматы ва Ашхобод сингари шаҳарлардаги махфий давлат архивларида бир неча йил давомида фидойиларча олиб борган изланишлари туфайли ёритиш ҳамда қорақалпоқ халқи совет даври тарихининг шу пайтгача яшириб келинган саҳифаларини тиклаш имконига эга бўлган.

Монография учта катта бобдан, бу боблар эса, ўз навбатида, бир неча фасллардан иборат. Аксиланкилобчилик фаолиятида айбланган ва жазоланган кишилар тақдирига бағишланган биринчи бобда биз 30-йилларнинг бошларида кишлоқ аҳолиси бошига ёғилган бало-қазолар билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда больше-



визмининг гайринсоний ва гайримаданий моҳияти яққол гавдаланади. Буни ўз вақтида қорақалпоқ халқининг зукко фарзандлари ҳам кўрабдилганлар ва большевизм ўз диёрларига янги-янги фалокатлар олиб келиши мумкинлигини аниқ сезганлар. Лекин 1937 йилда қатагон сиёсатининг авж нуқтага кўтарилиб, даҳшатли воқеаларнинг фавкуллода катта кўлам билан рўй беришини ҳатто узокни кўра олувчи кишилар ҳам билмаганлар. Монографиянинг «Озодлик учун кураш қурбонлари» деб номланган иккинчи боби худди шу машъум воқеаларга ва уларнинг жабрдийда қурбонлигига бағишланган.

Ш. Бобошев монографияга кўплаб ҳужжатлар ва фотосуратлар киритишга, қатагон даври ва унинг қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқатни тарихий далиллар ёрдамида янада ёрқин очшга муваффақ бўлганки, бу тадқиқотнинг илмий аҳамиятини янада оширади.

Қатагоннинг қонли тўлқини кўплаб давлат ва жамоат арбобларини, хўжалик раҳбарларини,

уларнинг «дум»лари сифатида эса оддий кишиларни ўз қаърига торган. Бу, шубҳасиз, халққа етказилган катта талофат. Аммо, шу билан бирга, қатагон йилларида, биринчи навбатда, халқнинг «гули» бўлган ажойиб зиёлилар кириб ташланган ва бу ҳол халқнинг асрлар давомида шакланган ва сайқалланган генофондига салбий таъсир қўрмаган. Муаллиф монографиянинг «Қатагон азобини тортган халқ дурдоналари» деган учинчи бобида масаланинг ана шу гоёт муҳим томонига эътиборни қаратади.

Муаллиф «халқ дурдоналари» деганда нафақат машҳур шоир ва ёзувчиларни, балки маориф ходимлари, журналистлар ва рухонийларни ҳам назарда тутди. Зеро, халқнинг руҳий ва маънавий ҳаётига, биринчи навбатда, ўқитувчилар, санъат, адабиёт ва маданият ходимлари ҳамда рухонийлар ўз таъсирларини ўтказадилар. Халқ оммасининг дунёқараши уларнинг илмий, бадиий ва диний тафаккури асосида шаклланади. Совет давлати худди шу нарсани ҳисобга олиб, қатагон қилишини даставвал зиёлиларнинг ана шу қисмига қаратганки, бу мудҳиш тадбир биз сўз юритаётган монографияда асосли ва изчил равишда очилган.

Олимнинг шахидлар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган мазкур монографияси тақдир мустабид совет тузуми томонидан янчилган жабрдийда кишилар хотирасига бўлган хурматимизнинг ёрқин ифодасидир.


Наим КАРИМОВ, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори, профессор.

Спорт

Малайзиядаги ғалаба

18-24 декабрь кунлари Куала-Лумпурда чим устида хоккей бўйича аънавий Малайзия очиқ кубоги халқаро турнири бўлиб ўтди.

Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия давлатларидан спортчилар иштирок этган мазкур мусобақда мамлакатимиз терма жамоаси хоккейчилари барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, биринчи ўринни эгаллади.



Ўзбек футбол юксалиш йўлида

Жорий йил миллий терма жамоамиз учун омадли келди. Жамоамиз 2006 йилда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати дастлабки саралаш босқичини муваффақиятли яқунлади. ФИФА рейтингига кўра ўз тарихида илк бор 47-погондан жой олди. 2003 йил Ўзбекистон терма жамоаси ФИФА рейтингига 81-ўрин билан қийоаланганди. Бир йил ичда 34 погонга ўсишга эришилди.

Зейтуллаев

«Режина»га ўтади

Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, хозирда Италиянинг «Ювентус» клуби ўринбосарлар таркибиде тўп сураётган Илс Зейтуллаев янги мавсуми «Режина» клубида давом эттиради.

З. ЖОНИБЕКОВ.

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН

Katris **КОРХОНАСИ** **МЕБЕЛЬ**

ИШЛАБ ЧИКАРАДИ ВА СОТАДИ

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом»нинг 45 ва 46-бандларига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши уч ой муддатга тўхтатиб турилади:

2004 йил 15 ноябрдан:

«PROFESSIONAL BIZNES SECURITY AND BODYGUARD SERVICES» МЧЖга (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга 2004 йил 6 апрелда берилган АА серия 0000530 рақамли;

«AXIS NETWORKS» МЧЖга (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга 2002 йил 18 июлда берилган АА серия 0000017 рақамли;

2004 йил 26 ноябрдан:

«ЧИРЧИК-ТВ» телемарказ хусусий корхонасининг (Чирчиқ ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга АА серия 0000653 рақамли;

2004 йил 10 декабрдан:

«ROMIKON-SERVIS» МЧЖга (Тошкент ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга (кабель телевидениеси) 2004 йил 22 апрелда берилган АА серия 0000356 рақамли.

Юқорида кўрсатилган низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан қуйидаги лицензиялар бекор қилинади:

«Муҳиддин-ДҚМ» хусусий фирмасининг (Сирдарё вилояти, Гулистон ш.) кўчма радиотелефон (транк) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга (техник хизмат кўрсатиш) АА серия 0000629 рақамли;

«AL BATROS SERVIS» МЧЖнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуришга АА серия 0000638 рақамли;

якка тартибдаги тадбиркор Юнусов Дилшод Ҳамидуллаевичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга АА серия 0000634 рақамли;

якка тартибдаги тадбиркор Игамқулов Бекзод Зоировичнинг (Самарқанд ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга АА серия 0000587 рақамли;

якка тартибдаги тадбиркор Мансуржонова Хусан Мансуровичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатишга АА серия 0000627 рақамли.

Сизнинг имзоингиз — ҳар қандай сейфдан афзал!

Аксарият ҳолларда ўғрилари уйда сақланадиган пуллар қизиқтиради. Сизда American Express чеклари бўлса, нақд пулларингиз йўқолишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. American Express чеки уйда сақланаётган нақд пулларингизни ҳар қандай қулф ва сейфлардан яхшироқ асраш имкониятини яратади.

American Express чекларини истаганингизча узоқ муддат сақлашингиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдалана оласиз. Агар чекларни йўқотсангиз ёки ўғирлангангиз, уларни эмитент (одатда 24 соат ичда) тиклаб беради.

American Express — халқаро молиявий корпорациядир. Мазкур корпорация 150 йилдан ортқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, иқтисодий вазиятдан қатъи назар, чекларнинг тўловини таъминлайди.

American Express чеклари — пулни уйда ва сафар чоғида асраш имкониятидир. Улар бугун дунёдаги миллионлаб молиявий ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

American Express чекларини Миллий банкнинг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

American Express чеклари — ўзингизнинг «нақд пулларингиз»дир.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим/филиалига, алмашув пунктларига мурожаат қилишингиз мумкин. Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09 www.nbu.com

Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29 www.amex.ru

Ҳамма юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ
КўРСАТИШ МАРКАЗИ

2005 йили ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома-жадваллар тузади.

Шартнома-жадвалларни тузиш муддати — 2005 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар: 114-37-03, 114-37-21.
Факс: 114-36-90.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси комиссия аъзоси Маҳмадjon Ҳужаевга волидан муҳтарамаси Турсунхон ая АБДУЛЛАЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	«Ўзбекэнерготаймир» ОАЖ жамоаси ММБ бошлиги Д. С. Қориевага отаси, уруш қатнашчиси САИДАҚРОМ отанинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.
Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиоси «Маънавият» муҳарририятининг режиссёри Раҳмат Тўйбойевич ЖУМАЕВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, дўст-биродарларига чуқур таъзия билдиради.	Тошкент Давлат юридик институти жамоаси ва талабалари институтининг тўртинчи курс талабаси Тўлқин Маннонович ПАРМОНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**
Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Догай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюрма Г — 264, 21387 нусхада босилди.
ҳажми — 2 табоқ. Offset усулида босилган.
Қозоқ бепатони А-2.
Газета IBM компьютерида тералди ва операторлар **Жамид Тошев** ва **Ваҳид Файшев** томонидан таърифланди.
Таърифта давом 5 қолдан зина материаллар клуб қилинмади.
© — Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Х. Эшматов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ҳа яқини — 22.40 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6